«М А Қ У Л Л А Н Г А Н»
Ўзбекистон Республикаси ҚvаСХ
Вазирлиги Давлат ветеринария
Бош бошқармаси томонодан
9-август 2016 йилда.
ЎзР ҚvаСХВ ДВББ қошидаги ИТК
04.08.2016 йилдаги № 72-сонли баённома.

ВЕТЕРИНАРИЯДА «БУТАМИН» ПРЕПАРАТИНИ (ИНЪЕКЦИЯ УЧУН ЭРИТМА) ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

1. УМУМИЙ МАЛУМОТЛАР

1.1 «Бутамин» (Butamin) препарати ташқи кўриниши буйича тиниқ сув билан осон аралашаувчи оч қизил рангдан қизил ранггача стерил шаффоф эритмадир. 1 мл препаратда 100 мг бутафосфан (бў эса 17,3 мг фосфорга мос) ва 0,05 мг цианокобаламин (витамин В12), хамда ёрдамчи моддаллар мавжуд.
1.3 Препарат шиша флаконларда 100, 200, 250, 500 ва 1000 мл дан қадоқланган холда ишлаб чикарилади.
1.4 Препарат ишлаб чикарувчининг ёпиқ ўрамида ташилиши, қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, +5°С дан +25°С гача бўлган ҳароратда сақланиши керак. Препаратнинг яроқлилик муддати – ишлаб чиқарилган санасидан бошлаб 3 йил.

2. БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1 Бутафосфан – организмнинг ассимиляцияга оид жараёнларга ижобий таъсир курсатадиган фосфорнинг органик бирикмасидир: қонда глюкозани утилизация қилишини яхшилайди, бу эса энергия алмашувини кўчайтиради; АДФ – АТФ айланиш даврни кўчайтириш хисобига метаболизм жараёнларини тезлаштиради; жигарни барча функцияларини фаоллаштиради; организмнинг номахсус резистентлигини оширади; силлиқ мушакларни кучайтиради ва унинг ҳаракатлантирувчи фаоллигини оширади; миокард ишини тиклайди; суяк тўқимасини пайдо бўлишини кўчайтиради; қонда кортизол даражасини нормаллаштиради; ҳайвонларни ўсиши ва ривожланишини, органлар ва тўқималарнинг репаратив хусусиятларини тезлаштирган ҳолда протеин синтезланишини кучайтиради.
2.2 Витамин В12 қон ишлаб чиқаришни кучайтиради, креатиннинг (мушак тўқималарининг энергия манбаи) шакилланишида, асаб тизимига таъсир этувчи ацетилхолиннинг биосинтезида қатнашади, ёғ алмашинуви ва карбон кислоталари алмашнувини кўчайтиради, озиқ-овқат ўзлаштириш жараёнини нормаллаштиради, метиониннинг биосинтезига ёрдам беради, лимфоцитлар-супрессорларни нормал даражасигача тиклайди.
2.3 «Бутамин» препаратининг фармакологик хусусиятлари унинг таркибига кирадиган фаол таъсир этувчи моддаллрни хусусиятлари билан боғлик. Препарат қувватни ошириш хусусиятига эга, метаболик ва регенератив жараёнларни нормаллиштради; оқсил, углевод ва ёғ моддаллари алмашинуви кучайишига таъсир курсатади, ташқи муҳитни ноқулай омилларга организмнинг резистентлигини оширади, ҳайвонлар ва парандаларнинг ўсиш ва ривожланишига ёрдам беради.

3. ПРЕПАРАТНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

3.1«Бутамин» препарати даволаш ва профилактика воситаси сифатида барча қишлоқ-хўжалик хайвонларига шунингдек ит, мушук ва паррандаларга куйидаги ҳолатларда қўлланилади:
- қониқарсиз сақлаш ва озиқлантиришдан келиб чиқган касалликлар таъсирида моддаллар алмашинуви бузилганда:
- ҳар-хил этиологик (бактериаллик, вируслик, гельминтозлар, арахноэнтомозлар, интоксикациялар) инфекцион ва инфекцион булмаган касалликларга ҳамда ташқи муҳитни ноқулай омилларга ҳайвонларнинг ва паррандаларнинг организмларини қаршилигининг ошириш учун қушимча восита сифатида;
- гипотрофик ҳайвонларга ва реконвалисцентларга;
- жигарни барча функцияларини оқсил, углевод ва ёғ моддаллар алмашинуви регенератив жараёнларини нормаллаштириш учун;
- организмда кальций ва магнийнинг етишмаслиги билан боғлик бўлган касалликларни даволашда қушимча восита сифатида;
- акушер-гинекологик амалаётида – туққандан кейинги касалликларни профилактика ва даволаш, узоқ вақт давомида туғишдан кейинги касалликларда организм қувватини тиклаш учун;
- салбий стресларнинг олдини олиш учун;
- паррандага, туллаш ва чўқилаш (каннибализм) даврида;
- туғиш фаолиятини фаоллаштириш ва туғруқдан кейинги асоратларни олдини олиш мақсадида (бачадон тетанияси, туғруқдан кейинги парез);
- ҳайвонларни махсулдорлигини ошириш, ўсиш ва ривожланишини кучайтириш;
- оғир жисмоний юкланишдаги ва жисмоний фаол спортчи отларга (мусобақагача 2-3 кун қолганда).
3.2 Ўткир утадиган касалликларда «Бутамин» ни 4 - 5 кун давомидаги курсда узлуксиз мушак орасига, тери ости ёки томир ичига (секин) қўлланади.
Препаратни бир кунлик ёки суткали дозалари (бир бош хайвонга, мл):
- йирик шохли қора моллар, отлар - 10 – 25 мл; ***- қўйлар, эчкилар - 2,5 – 8 мл;***
- чўчқалар - 2,5 – 10 мл; ***- итлар, мушуклар - 0,5 – 5 мл;***
- бўзоқлар, тойлар - 5 – 12 мл; ***- қўзилар, улоқлар - 1,5 – 2,5 мл;***
- эмадиганчўчқаболалари - 1 – 2,5 мл; ***- гўшт билан оқатланадиган хайвонлар - 0,5 – 2,5 мл;***
Сурункали касалликларда ва соғлом ҳайвонларга юқорида курсатилган дозаларни ярим дозасини қуллайдилар. Зарурият булганда такрорий курс 5 – 14 кун оралиқда утказилади.
Препаратни паррандага гурух усулида сув билан оғиз орқали 1л ичимлик сувига нисбатан қуйидаги дозаларда берилади:
- жўжалар- 1,0 - 1,5 мл;
- тухум берадиган, гўштга боқилган товукларга - 2,0 - 3,0 мл.
3.3 **Қўшимча таъсири.** Тавсия этилган дозаларда препаратни ножўйа таъсир ва асоратларни келтириб чикариши аниқланмаган.
3.4 **Қўллаш мумкин бўлмаган холатлар.** Қўллаш мумкин бўлмаган холатлар ўрнатилмаган.
3.5 **Алоҳида кўрсатмалар.** Препаратни бошқа дори воситалари ва озуқа қўшимчалар билан бир вақтнинг ўзида қўллаш рухсат этилади, бироқ бир шприцда таркибида В1 и В6 витаминлар бўлган бошқа препаратларни аралашитиришга йўл қўйилмайди.
3.6 Препарат қўлланғандан кейин қишлоқ хўжалик хайвонлари ва паррандалардан олинган махсулотлардан озиқ-овқат мақсадлари учун чексиз фойдаланиш мумкин.

4. ШАХСИЙ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ

4.1 «Бутамин» билан ишлаганда шахсий гигиена қоидаларига ва умумий хавсизлик техникаси қоидаларга риоя қилиши керак. Иш тугагандан сўнг қўлларни илиқ сувда совун билан ювиш керак. Кўзга текганда, дарҳол кўп миқдордаги сув билан ювиш керак.
4.2 Препаратни болалар кира олмайдиган жойларда сақлаш керак.

5. ЭЪТИРОЗЛАРНИ БИЛДИРИШ ТАРТИБИ

5.1 Препаратни қўллашдан кейин асоратлар аниқланган ҳолда, ушбу сериядан фойдаланиш тўхтатилади ва бу ҳақда Ўзбекистон Давлат ветеринария препаратларининг илмий-назорат лабораториясига (700178, Тошкент шаҳри, А.Юнусов кўчаси, 1а-уй) ва препаратнинг ишлаб чиқарувчисига билдирилади. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат илмий-назорат лабораториясига ҳайвонларда асоратларни келтириб чиқарган препаратнинг уч дона серияси (партияси) намуналари, ва асоратларининг батафсил таърифи билан бирга юборилади.

Ishlab chiqaruvchi:
O'zbekiston-Buyuk Britaniya-Rossiya Qo'shma Korxonasi
«O'ZBIOKOMBINAT» MChJ
140532, O'zbekiston Respublikasi,
Samarqand viloyati, Pastdarg'om tumani,
«Namuna» QFY, O'rta - Charxin mahallasi,
Tel: +998 (95) 500 8161
Sotuv bo'limi: +998 (95) 509 0500
www.biokombinat.uz
info@biokombinat.uz

TS 00483044-62:2016

biveco®
biveco.com